БИЗ ДУНЁ ГЎЗАЛЛИГИНИ, ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ ВА МАЪНО-МАЗМУНИНИ АВВАЛАМБОР АЁЛ СИЙМОСИДА, УНИНГ ФИДОЙИ ҚАЛБИ, ВАФО ВА САДОҚАТИДА КЎРАМИЗ, ҲИС ЭТАМИЗ.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 8-MART ■ SHANBA ■ 29 (27.049) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Ўзбекистон хотин-қизларига БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!
Азиз опа-сингиллар!
Суюкли қизларим!

Бугун, баҳорнинг илоҳий нафасидан табиат уйғониб, олам яшариб, янгиланиб бораётган ушбу дамларда сиз, азизларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини қутлуғ айём — 8 Март байрами билан муборакбод этиш, кўпчилик қаторида сизларга ўз ҳурмат-эҳтиромимни изҳор қилиш менга катта қувонч ва мамнуният бағишлайди.

Биз дунё гўзаллигини, ҳаёт фалсафаси ва маъно-мазмунини авваламбор аёл сиймосида, унинг фидойи қалби, вафо ва садоқатида кўрамиз, ҳис этамиз.

Маълумки, ҳар қайси инсон аёл зотига бўлган меҳр-муҳаббатини изҳор этиш учун беихтиёр шеърият, назм оламига мурожаат қилади. Шу маънода буюк мутафаккир Алишер Навоий бобомизнинг:

Чун азалдин шаҳи жаҳон сизсиз,
Бўлмасун бир нафас жаҳон сизсиз,

— деган ўлмас сатрлари барчамизнинг дилимиздаги ҳис-туйғуларни ёрқин ифода этади.

Биз аёл зотини Оллоҳ таолонинг беқиёс мўъжизаси, деб улуғлаймиз.

Чиндан ҳам, тарихимиз ва бугунги кунимизга чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, бу таъриф замирида асрлар, минг йиллар давомида ҳаётимизда тоғдай таянч ва суянч бўлиб келаётган аёл сиймосига мансуб буюк ҳақиқат мужассам эканини англашимиз қийин эмас.

Нега деганда, одамзот машаққатли синовларни енгиб ўтиш, Фарҳод каби чўлларга сув чиқариш, оламшумул кашфиётлар яратишдек улуғвор ишларни ўзига тасаввур этиши мумкин. Аммо ҳеч ким, ҳеч қачон бир нарсани тасаввур қила олмайди: аёлсиз ҳаёт йўқ ва бўлмайди ҳам.

Шу боис халқимиз, миллатимизнинг тарихида аёлни асраб-авайлаш, унга меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатиш, уни ҳимоялаш, керак бўлса, бутун борлиғини аёл учун бахшида этиш ўзини эр йигит деб билган ҳар бир инсон учун наинки машҳур достонларда, балки ҳаётнинг ўзида ҳам шарафли бир иш, мардлик ва қаҳрамонлик намунаси бўлиб келган.

Айниқса, ҳозирги мураккаб шароитда сиз, муҳтарама опа-сингилларимизнинг янги ҳаёт, янги жамият барпо этишда, буюк келажак бунёдкори ва ҳимоячиси бўлмиш ҳар томонлама соғлом ва баркамол, ўз халқига садоқатли ёш авлодни тарбиялашда, ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла ва шу асосда бутун юртимизда тинчлик-осойишталик, қут-барака ҳукмрон бўлиши йўлида кўрсатаётган катта хизматларингиз ва сабру бардошингизни Ватанимиз юксак қадрлайди.

Истиқлол йилларида хотин-қизларимизнинг жамиятдаги нуфузини кўтариш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ўз қобилият ва салоҳиятини тўла намоён этиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш борасида кўп ишлар қилинаётгани, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас. Бу фикрнинг тасдиғини нафақат марказда, юртимизнинг олис туманлари, шаҳар ва қишлоқларида ҳам яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида, маданият, илму фан, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, спорт каби ижтимоий соҳаларда аёлларимизнинг ўрни ва роли ортиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фермерлик, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик фаолияти каби бугун замон ва бозор муносабатлари талаб қилаётган соҳаларда ҳам опа-сингилларимизнинг фаол иштироки ва нуфузи тобора кучайиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Биз ёруғ келажагимизни қуриш, ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш, ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаётга эришишга қаратилган дастурларни амалга оширар эканмиз, юртимизда аёл зоти учун ман қилинган, улар қатнашмаётган бирон-бир тармоқ ёки соҳа бўлмаслиги даркор. Аёлларимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, бу йўлдаги барча суньий ғов ва тўсиқларни, ҳар қандай чекловларни бартараф этиш, хотин-қизларга менсимай қараш каби ўтмишдан қолган салбий одатларга бутунлай барҳам беришга бугунги кундаги энг муҳим вазифаларимиздан бири, деб қарашимиз керак.

Бу борада қилаётган хайрли ишларимиз, жумладан, ёш истеъдод соҳибалари учун Зулфия мукофотини таъсис этганимиз ҳам ҳаётга катта орзу-интилишлар билан кириб келаётган қизларимизга ўз имконият ва қобилиятларини рўёбга чиқаришда кўмак ва мадад бериши муқаррар.

Мен ана шундай саъй-ҳаракатларимизни изчил давом эттириш, шубҳасиз, ҳар қайси туман, вилоят ҳокимликлари ва марказий идоралар раҳбарларининг нафақат вазифаси, балки инсоний бурчига айланиши даркор, деб биламан.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бориши билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хусусан, ҳомиладор аёлларга ғамхўрликни кучайтириш, соғлом фарзандлар дунёга келиши учун тиббий масканлар фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш, ёш болали оилаларга давлат ва жамият томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ёрдамнинг самарасини ошириш масаласи ҳам доимо диққатимиз марказида бўлиши зарур.

Бир сўз билан айтганда, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг кўпчиликка маълум бўлган фикрини давом эттириб, мен «Соғлом авлод ўстираётган юртнинг келажаги буюк ва қудратли бўлур» деган қараш умуммиллий шиоримизга айланиб қолишини истардим.

Бу борада шу йилнинг ўзида амалга ошираётган режаларимиз, хусусан, «Обод маҳалла йили» дастурида кўзда тутилган амалий вазифалар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин мен, фурсатдан фойдаланиб, нафақат бугунги кунимизни, айни пайтда келажагимизни ҳам белгилаб берадиган бир фикрни, яъни аёлларга қанча ғамхўрлик қилмайлик, барибир уларнинг олдида ҳамиша қарздормиз, деган фикрни билдириб, юртимизнинг барча ўғлонларини, авваламбор, каттакичик раҳбарларни ана шундай тушунча ва ғоялар билан яшашга даъват қилмоқчиман.

Қадрли опа-сингиллар!

Бетакрор юртимизда баҳор ва бахт айёми бошланаётган мана шу унутилмас дамларда юрагимда барча аёлларимизга бўлган ҳурмат ва меҳр-муҳаббат туйғусини яна бир бор изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Агарки мендан, дунёдаги энг зебо, энг латофатли, оқила аёллар, сулув ва дилбар қизлар қаерда яшайди, деб сўраса, ҳеч иккиланмай, ғурур ва ифтихор билан «Муътабар Ўзбекистонимиз заминида» деб жавоб берган бўлур эдим.

Ҳамиша эзгулик ва шафқат, меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли бўлган сиз, азизларни бугунги гўзаллик ва нафосат байрами билан чин дилдан қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Табаррук оналаримизнинг умрлари узоқ бўлсин! Азиз опа-сингилларимизнинг орзу-умидлари ушалсин! Ёш қизларимиз, жажжи невараларимизнинг истаклари рўёбга чиқсин!

Унис чеҳраларингиз доимо шодлик ва табассум нуридан мунаввар бўлсин. Кириб келаётган баҳор нафаси барчангизга бахт ва саодат келтирсин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Суратда: Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида

Мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш, билимли, ижодкор хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларнинг ижтимоий фаоллигини, маданий-маънавий қадриятларни юксалтиришдаги ибратли фаолиятини рағбатлантириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 1999 йил 10 июндаги Фармонига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг таклифларига биноан, аъло ҳулқи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоён этаётган ҳамда адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятларнинг иқтидорли қизлари Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлансин (тақдирланганлар рўйхати илова қилинади).

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8-Март хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказиладиган тантанада совриндорлик ёрлиқлари ва нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. «Ўзтелерадио» компанияси (А.Кўчимов) ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига (М.Ҳазратқулов) Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д. Ғуломова зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 3 март

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 мартдаги қарорига илова

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

Шержанова Фазу Кеунимжаевна — Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги касб-ҳунар коллежининг 3-курс талабаси

Акбаралиева Зиёда Маннобжоновна — Андижон вилояти Асака шаҳридаги педагогика коллежининг 2-курс талабаси

Авезова Дилдора Баходуровна — Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги 17-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси

Мухтарова Гулрўҳ Асатиллаевна — Жиззах давлат педагогика институти ҳузуридаги иқтидорли болалар лицейининг 3-курс талабаси

Очилова Гулрух Нурхоновна — Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги 22-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси

Уринова Ҳулкар Шокировна — Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 8-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси

Закирова Гулчеҳра Бахрамовна — Наманган педагогика билим юрти ҳузуридаги «Ниҳол» тўгараги раҳбари

Ашурова Зулхумор Шодиевна — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 35-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси

Дониёрова Гулрўҳ Бахтиёровна — Сирдарё вилояти Оқ олтин туманидаги «Гулрўҳ» зардўзлик корхонаси раҳбари

Шаймарданова Азиза Раимжановна — Термиз давлат университети ҳузуридаги академик лицейнинг 1-курс талабаси

Аблаева Екатерина Сергеевна — Тошкент давлат аграр университети магистратурасининг 1-курс талабаси

Мўминова Севинчхон Толибовна — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Фарғона вилояти бўлимининг хонандаси

Абдуллаева Муножот Суҳбатовна — Хоразм вилояти Шовот туманидаги 21-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси

Рахмонбекова Малика Абдумаликовна — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 1-курс талабаси



АЁЛ

Кимдир бир юмушдан юзини бурди,
Кимдир ваъда берди, кимдир ўй сурди.
Аёлга эҳтиром навбати етгач,
Ҳамма бирданига оёққа турди.

Абдулла ОРИПОВ
2003 йил, 6 март

Ташриф самарали бўлди

Расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Словакия Президенти Рудолф Шустер 7 март куни Самарқандга келди. Юксак мартабали меҳмон шаҳарнинг тарихий-меъморий ва маданий обидаларини зиёрат қилди. Истиқлол йилларида бунёд этилиб, Самарқанд ҳуснига кўрк бағишлаётган янги иншоотлар ва бошқа диққатга сазовор жойларни кўздан кечирди.

Словакия раҳбари айниқса Регистон мажмуидан катта таассурот олганини таъкидлади. Р.Шустер миллий ҳунармандлик буюмлари кўргазмасини катта қизиқиш билан кўздан кечирди, Сиёб бозорида саховатли заминимизда етиштирилган ноз-неъматлар ва Самарқанднинг машҳур нонларидан татиб кўрди.

Куннинг иккинчи ярмида олий мартабали меҳмон «очиқ осмон остидаги музей» дея таърифланадиган яна бир қадимий шаҳримиз — Бухорога ташриф буюрди. Словакия раҳбари бу ердаги маданий ёдгорликлар, кўҳна обидалар билан танишди. Шаҳар зиёрати асносида меҳмон шарафига маҳаллий санъаткорлар ижросида миллий куй ва қўшиқлардан иборат концерт дастури намойиш этилди.

Шу билан Словакия Президенти Рудолф Шустернинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Таъкидламоқ жоизки, ўтган мулоқотлар жуда самарали бўлди. Эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни янги поғонага кўтаришига шубҳа йўқ. Бунга Р.Шустернинг қуйидаги сўзларидан ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин:

— Ўзбекистонга мамлакатларимизнинг ҳамкорлигини чуқурлаштириш учун келган эдим. Бунинг уддасидан чиққанимдан мамнунман. Ташриф самарали бўлди. Ислом Каримов билан ҳамкорлигимизнинг турли жиҳатларини муҳокама қилдик. Ишонч билан айтишим мумкинки, Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги муносабатларнинг истиқболи порлоқдир.

(ЎзА)

Эзгулик ва садоқат тимсоли

Миллатимиз тарихида аёлни асраб-авайлаш, унга меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатиш, ҳимоялаш ҳар бир инсон учун ҳамиша шарафли иш, мардлик ва жасорат намунаси бўлиб келган. Аёлларимизнинг мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишда, буюк келажак бунёдкори ва ҳимоячиси бўлмиш ҳар томонлама соғлому баркамол авлодни тарбиялашда ва шу асосда ҳар бир оила, маҳалла, бутун юртимизда осойишталик, қут-барака ҳукмрон бўлиши йўлида кўрсатаётган хизматларини Ватанимиз юксак қадрлайди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида 8 Март — Хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Уни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Тантанада сўзга чиққан Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова мамлакатимиз сиёсий ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида, маданият, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт каби соҳаларда аёлларимизнинг ўрни ва мавқеи ортиб бораётганини таъкидлади.

Бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда фаол иштирок этиши учун барча имкониятлар муҳайё.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мазкур мукофотга сазовор бўлган иқтидорли қизлар тантанали равишда тақдирланди, уларга совриндорлик ёрлиқлари ва нишонлари топширилди.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Тошқин ва сел оқимлари, кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида

2002 йил декабрида республиканинг асосий дарёлари ҳавзаларида ёққан ёғингарчилик миқдори ўртача йиллик нормадан ортиқ бўлди. Ўзбекистон Республикаси «Бошгидромет» бошқармаси маълумотларига кўра баҳор-ёз ойларида кўпгина сойларда тошқин ва сел оқимлари ўтиши, шунингдек кўчки ҳодисалари кутилмоқда.

Фавқулодда вазиятлар оғир оқибатларининг олдини олиш, моддий зарарни ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш харажатларини камайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Тошқин ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш, кўчки ҳодисаларининг олдини олишни таъминлаш бўйича Ҳукумат комиссияси ташкил этилсин.

2. Ҳукумат комиссияси тегишли вазирликлар, идоралар ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда кўчки ва сел оқимлари ҳодисалари оқибатларининг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқсин ҳамда уларнинг тегишлилигига кўра ўз кучлари ва маблағлари ҳисобига бажарилишини таъминласин;

жорий йилнинг 10 апрелигача хавфлилик даражасидан ҳамда хўжаликлар, объектларнинг Давлат геология қўмитаси ҳамда «Бошгидромет» бошқармаси хизматлари томонидан тайёрланган ва вилоятлар ҳокимликларига берилган рўйхатга мувофиқ сел, тошқин-кўчки зоналаридаги шаҳарчалар, қишлоқлар ва хўжаликлар аҳолисини бошқа жойга кўчирсин;

ўзбошимчалик билан олиб борилган қурилишлар, дарёларнинг қайирларидан кон билан боғлиқ бўлмаган материалларни рухсатсиз қазиб олиш ва бошқа ишлар ҳисобига дарёлар ва сойларнинг сув ўтказиш имкониятларини пасайтириш ҳолларига барҳам берсин;

объектлар ва гидроиншоотлар бўйича зарур ҳимоя тадбирлари ва авария-тиклаш ишлари бажарилишини ташкил этсин, бу ишлар учун тегишлилигига кўра алоҳида лойиҳалар ва сметалар бўйича ҳақ тўласин;

сел ва тошқинлар рўй берадиган даврда кеча-кундуз навбатчилик ҳамда сув хўжалиги ва энергетика объектлари иши устидан назорат ўрнатсин;

хавфли зоналарда табиий тусдаги фавқулодда вазиятларни кузатиш ва оғоҳлантириш постлари қўйсин, постларни ишончли хабардор қилиш алоқа воситалари билан жиҳозласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар пайдо бўладиган масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш учун кеча-кундуз фаолият кўрсатувчи штаблар ташкил этсинлар, штаблар ихтиёрига зарур миқдорда автотранспорт, ёнилғи-мойлаш материаллари ва алоқа воситалари ажратсинлар. Тошқин ва сел оқимлари ўтадиган зоналарда хавфли участкаларни аниқласинлар, уларда кеча-кундуз навбатчилик ташкил этсинлар ва тегишлилигига кўра халқ хўжалиги объектларини сақлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси жорий йилнинг 1 апрелигача барча сув омборларининг ҳолатини текшириб чиқсинлар ҳамда уларнинг иш режими устидан назорат ўрнатсинлар. Каналлар, иншоотлар, сел ўтадиган жойлар ва дамбаларнинг сел ва тошқин сувларини ўтказишга тайёрлиги текширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси:

хавфли кўчки участкалари фаоллашуви ҳамда ўпирилишлар пайдо бўлиши мумкин бўлган зоналарни аниқлаштирсин, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларини ўз вақтида ишончли ахборот билан таъминласин;

кўчки жараёнлари ва ўпирилишлар билан боғлиқ бўлган фавқулодда вазиятлар пайдо бўлиши бевосита хавф солганда ҳокимликларга аҳолисини хавфли зоналардан доимий ва вақтинча кўчириш мақсадида хўжаликлар ва объектлар рўйхатини берсин;

ёзги дам олиш мавсуми бошланишидан олдин болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, дам олиш уйлари, туристик базаларни текшириб чиқсин ва зарурат бўлганда тегишли ёзма кўрсатмалар берсин.

6. Ўзбекистон Республикаси «Бошгидромет» бошқармаси:

жорий йилнинг 1 апрелигача Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Давлат геология қўмитаси билан биргаликда қор заҳираларини, сел ва кўчки хавфи бўлган зоналарни аниқлаш мақсадида тоғли ва тоғолди туманларини, шу жумладан чегарадош давлатлар ҳудудларини авиация кўмагида текшириб чиқсин. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу ишларни амалга ошириш учун «Бошгидромет» бошқармасига Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан 60 млн. сўм ажратсин;

хавфли зоналар, шунингдек баланд тоғлардаги ёриб чиқиш хавфи бўлган қўллар устида мунтазам равишда назорат учишлари олиб борсин ва уларнинг ҳолатини текширсин;

жорий йилнинг 1 июнигача Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда баланд тоғлардаги, ёриб чиқиш хавфи бўлган қўллар, шу жумладан чегара зоналаридаги қўлларни кузатиш учун ишончли алоқа ва хабар бериш тизимлари билан жиҳозланган ва таъминланган вақтинчалик постлар ташкил қилсин;

вилоятлар ва туманлар ҳокимликларига хавфли гидрометеорологик ҳодисалар хавфи зонасидаги хўжаликлар ва объектлар, шунингдек уларни ҳимоя қилиш бўйича тавсия этиладиган тадбирлар рўйхатларини ўз вақтида берсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жорий йилнинг 15 майигача қўшни давлатлар ҳудудидаги республика учун хавф солувчи ёриб чиқиш хавфи бўлган қўллар ва селларни келтириб чиқарувчи участкаларни кузатиш учун авиация ишларини олиб боришга Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ҳукуматларининг рухсатномаларини олиш масаласини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Бошгидромет» бошқармаси ҳамда Давлат геология қўмитаси билан келишган ҳолда баҳоргиёзги тошқинлар даврида сел ва тошқин сувлари ўтиши хавфи бўлганда сойларга, сел, қор кўчкилари содир бўладиган жойларга ва бошқа хавфли участкаларга бориш йўлларида постлар ташкил этсин, уларда одамлар, автотранспорт ва техниканинг хавфли зоналарга ўтишига йўл қўймаслик мақсадида шлагбаумлар ўрнатсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги шикастланган аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббий ёрдам пунктларини зарур миқдорда тайёрлаб қўйсин, уларни зарур асбоб-анжомлар билан таъминласин. Дори-дармонлар, санитария-гигиена воситалари ва эпидемияга қарши воситалар заҳиралари яратилсин.

10. «Ўзагросуғурта» ва «Кафолат» компаниялари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда қор кўчкиси, сел ва тошқин зоналаридаги иморатлар, уй-жойлар, чорва моллари, фуқароларнинг шахсий мулки, фермер ва ширкат хўжаликларини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий йўналишдаги объектларни ихтиёрий суғурта қилиш бўйича шартномалар тузиш ишларини олиб борсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

қор кўчкиси, сел, тошқин даврида вазирликнинг шахсий таркибини кучайтирилган иш тартибига ўтказсин, жойларда кеча-кундуз навбатчиликни ташкил этсин, шунингдек аҳолини шошилинч хабардор қилиш учун уларни ишончли алоқа воситалари билан таъминласин;

жорий йилнинг 1 апрелигача вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда кичик дарёлар, сойлар ўзанларини ва кўприкларни текширувдан ўтказсин, хавфли участкаларни аниқласин ҳамда уларни мустаҳкамлаш ишлари бажарилишини назорат қилсин;

геологик ва гидрометеорологик вазият тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, ўрганиб чиқиш ва айирбошлашни ташкил этсин. Вазирлар Маҳкамасига республика ҳудудида вужудга келган фавқулодда вазиятлар ва табиий офатларнинг кутилиши мумкин бўлган оқибатларини бартараф этиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот тақдим этилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 7 март

Обод маҳалла йилига бағишланди

Тошкент шаҳар ҳокимлигида мамлакатимизда Обод маҳалла йилида амалга оширилиши зарур бўлган маънавий-маърифий ишлар тарғиботи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Бугунги кунда фуқаролик жамияти асосларини қарор топтириш, миллий қадриятимизни асраб-авайлаш, келажак авлодни баркамол инсонлар сифатида вояга етказиш каби умуммиллий вазифаларни ҳал қилишда ўзини-ўзи бошқаришнинг ноёб бўғини, ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган маҳалланинг муносиб ўрни бор. Шу боис юртимизда маҳаллаларни ривожлантириш, уларнинг мақоми ва нуфузини янада оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. 2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилингани ҳам фикримизнинг яққол исботидир.

Йиғилишда «Обод маҳалла йили» дастурида, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган ишларни янада самарали амалга оширишда маънавият ва маърифат соҳаси вакилларининг тутган ўрни ва вазифалари хусусида фикр юритилди.

Айниқса, бу борада маҳалланинг халқимизнинг маънавий-руҳий олами, онги ва тафаккурини тўғри шакллантириш, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, шунингдек, жамият тараққиётининг бошқа муҳим масалаларини ҳал қилишда тутган муҳим ўрнига аҳамият бериш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Тарғибот-ташвиқот ишларида, шунингдек, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиш, маҳаллаларда истиқомат қилаётган кекса зиёлилар, нафақада бўлган отахон ва онахонларнинг ибратли ҳаёт тажрибасига суяниш лозимлигига эътибор қаратилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев сўзга чиқди.

(ЎзА)

● БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Шеъриятимиз

ЗУЛФИЯХОНИМНИНГ МАТОНАТИ, САДОҚАТИ, САМИМИЯТИ,

1984 йилнинг баҳори эди. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида, «Саодат» журналида бўлим мудири бўлиб ишлайдиган шоира Ойдин Ҳожиева билан кўришиб қолдик.

Ҳол-аҳвол сўрашгач, Ойдиной:

— Сизни Зулфия опа йўқлагандилар. Тошкентга келганини билсангиз айтинг, менга бир учрашсин деганди-лар, — деб қолди.

Эртасига боришимни айтдим. Бу мен учун кутилмаган таклиф, биринчи бор бундай илтифотга сазовор бўлишим эди. Мени нега чорладилар экан? Учқур хаёл қаерларга бориб келмади дейсиз?

Зулфия опа! Бу ном тилга олинганда дастлаб кўз ўнгимда ажойиб сўз сеҳргари, бахт ва шодлик куйчиси деб аталган Ҳамид Олимжоннинг дарсликлар саҳифасидан чиқиб келадиган дилтортар сиймоси, «Танланган асарлар»ида босилган ўғли Омон, қизи Ҳулкар билан ва яна шу табаррук зотга узукка қўйилган ёқут кўздай ярашиб тушган, қиёфасида доно маликаларга хос жозиба ҳамда оқиналик акс этган гўзал умр йўлдоши билан тушган суратлари намоён бўлади.

Ўша суратда акс этган комрон чеҳрасига мунг солмоқчи бўлган ҳижрон азоблари хаёлимдан ўтади. Гулдай нозик қалби ва ихчам елкасида бир умрлик айрилиқнинг тоғдай зил юкини адл кўтариб, тақдир зарбасига ҳаётга муҳаббати, инсоний ишқни, вафо ва садоқатни тараннум этган оташин шеърияти билан жавоб бера олган, адл қоматини ҳамиша тик тутиб нурли нигоҳини ёрқин уфқларга қадаб бораётган ўзбекнинг Тўмарисдай мард сиймоси ҳайратга солади.

Баҳорга бурканган сен севган элда,
Овозинг янгради жўшқин, забардаст.
Ўлмаган экансан, жоним, сен ҳаёт
Мен ҳам ҳали сенсиз олмадим нафас.

деб ёзган шоира нафақат шеърида, балки ҳаётида шоир хотирасини ардоқлаб, ҳижрон азобию шеър заҳматини ортмоқлаб борарди.

Зулфия опанинг чеҳраларини кўз олдимга келтирганимда она-замин томирини ушлаб унинг оғриқларини ҳис қила биладиган, башариятнинг орзу интилишларини теран англайдиган уларни бор овоз билан куйлайдиган, дунёнинг барча забардаст шоирлари билан ҳамоҳанг бўлиб, ҳамсоз бўлиб дунёга чиқа олган буюк ижодкорни кўрардим. Амрита Притам, Силва Какутикян, Дебора Ваҳаранди, Турсунхон Абдулҳакимова, Мавжуда Ҳакимова, Гулрухсор Сафиева, Фазу Алиева каби шоираларни кўяверингу Файз Аҳмад Файз, Расул Ҳамзатов, Алим Кешоков, Чингиз Айтматов каби адабиётнинг забардаст арбоблари ҳам ижодига таъзим қилган шоирамиз билан ғурурланардим.

Депутат, мамлакат ва халқаро мукофотлар соҳибаси Зулфия опа тўла маънода ўзбекнинг, Ўзбекистоннинг фахри эдилар.

Ҳамиша адл ва сарҳаш қоматларида, бир кўрган одамнинг қалбига муҳрланиб қоладиган чеҳраларида бошқа ҳеч кимда кўрмаганим — ҳамиша меҳр балқиб турган кўзларида, фақат, фақат Зулфияга хос бўлган оҳангдор овозларида ажиб бир маликалик зоҳир эди. Гўё йигирманчи асрнинг Нодираи Даврони эдилар. Фарқ шундаки, Нодира малика шоира бўлса, Зулфия опа шеъриятнинг маликаси эдилар. Худди Нодирадай ҳар бир шоирага меҳрибон, тегираларига Саида Зуннунова, Эътибор Охунова, Гулчеҳра Жўраева, Ойдин Ҳожиева, Санъат Маҳмудова, Турсуной Содиқова, Шарифа Салимова каби ўнлаб издошларини тўплаб, бошларини силаган, иссиқ-совуғидан хабар олган — бағри кенг устоз эдилар.

Ҳали ўрта мактабда ўқиб юрган Ҳалима Худойбердиевани кашф этиб, бутун шоирлик тақдирига дахлдор бўлган, ёшгина Зулфия Мўминова катта шеърият кечасида шеър ўқиганда ўзларига аталган гулдастани унга тутиб, шу йўл билан оқ фотиҳа берган раҳнамо эдилар. Бир сўз билан айтганда ярқ этган иқтидор учқунини, кўриб қолсалар, шуни алангалатишга, адабиёт аталмиш боғда қизлар гулшанини тузишга бел боғлаган ва шунга эришган инсон эдилар.

Одамларга меҳр-оқибат кўрсатишда яна бир воқеани эсладим. 1969 йилда шоир Илёс Муслим 60 ёшга тўлдилар. Дастурхон ёзиб, ҳамкасбларни, қариндош-уруғ, ёрбиродарларни бир қаҳвахонага чорладилар. Меҳмонлар ҳали жойлашиб улгурмай бир даста гул ва совға билан Зулфия опа кириб келдилар. Ҳамма эҳтиром билан кутиб олди. Опа эса хокисоргина даврага қўшилиб, ҳамма билан ҳол-аҳвол сўрашдилар ва Илёс аканинг ёнига ўтирдилар. Гал келганда даврабоши Зулфияхонимга сўз берди. Опа ўрниларидан туриб, қадларини ростлаб Илёс аканинг елкасига қўлларини қўйдилар-да, даврага бир назар ташлаб, бундай дедилар: — Илёс ака менинг акам бўладилар. Ҳеч қандай ўгай ё бошқа нарса аралашмаган, туғишган акам. Тошкентнинг Дегрез маҳалласида Муслим дегрез, Ҳамдам дегрез, Исроил дегрез деган оға-инилар бўлган.

Эзгулик ва садоқат тимсоли

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Зулфия мукофотининг бу йилги совриндорлари — Фазу Шержанова, Екатерина Аблаева сўзга чиқиб, юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камол топтириш ва истеъдодини намоён этиш учун барча шароитларни яратиб бериш борасида ғамхўрлик қилаётгани учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этди.

Кеча санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта байрам дастури билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат

Офтоб кулди — табассум юзлари,
Юлдузларнинг ҳайратими кўзлари...

Баҳор каби бунча яшнаб кўринар,
Андижоннинг гулдан гўзал қизлари...

● ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ

Меҳр

Уч-тўрт йиллар олдинги воқеа: вилоятда бевосита таълим-тарбияга масъул раҳбар билан суҳбатлашиб ўтиргандик телефон жиринглаб қолди. Суҳбатдошим узрини айтиб, гўшакни кўтарди. Қўнғироқ қилаётган одам нимадир сўраётганди чамамда, ҳамхонам индамай эшитди, кейин «дард»га кўчди: «Вера опа, сизни яхши тушунаяпман. Мени ҳам тушунинг, ҳозирча бу муаммони ҳал қилишнинг иложи йўқ-да. Тўғри, тўғри... ҳаракат қиламиз, бу масалани юқорига олиб чиқамиз. Шошманг-да... Майли-майли!..»

...Гўшакни қўйгач: «Бу Вера опа қачон қарасанг ташвиш билан юради. Гоҳ у масалада мурожаат қилади, гоҳ бу... Бошқаларга ўхшамайди».

Вера опани билганимдан синовчан сўрадим: «Машина сўраяптими?»

«Йўғ-э!»

«Турар жойини янгилаб беришни талаб қилаётгандир?»

«Булар эсига келмайди...»

«Мукофотми?»

Суҳбатдошим саволлар тагида ётган киноянги англади, гапнинг пўсткалласига кўчиб қўя қолди: «Вера опа ўзига деб, оиласига деб игна ҳам сўрамайди. Ҳамма вақт болалари ташвишида юради. Ҳали бирор ойлардан сўнг юзага келиши мумкин бўлган муаммо ташвишига тушади. Шунинг олдини олмагунча, битказмагунча тиниб-тинчимайди...»

Афсуски, бундай фазилатларни барча раҳбарлар ҳақида ҳам тўла ишонч билан айтиш қийин.

Вера опани «болажон» деб сифатлашади. Бу фазилатни фақат қандайдир ўқув даргоҳида — таълим-тарбия жараёнида шакллантириш қийин. Оиладаги устувор, ахлоқий-маърифий муҳитнинг бир қадар улуши бордир. Ёки отадан, онадан ўтгандир.

Болажонлик фақат, ширин сўз, ўз улушингни мунчоққўз гўдакка икки қўллаб тутқазиш дегани эмас. Бунинг уддасидан чиқадиганлар озми? Бировида ишонтириш кучли — маҳорат бор, бировида кўз тўқлиги — нафс йўқлиги — сахий қалб бор.

Вера опадаги болажонликнинг ўхшаши йўқ. У ҳар бир болани бор вужуди билан севади, ўз боласидек севади. Шунинг учун ҳам у юзларнинг, мингларнинг «опа»сига, «она»сига айланган.

Бу фазилатларни опанинг оиласидан, оиласи тақдиридан изладик.

...Шўро тузумининг бутун-бутун халқларга кўрсатган «оталарча ғамхўрлиги» шу бўлдики, арзимас бир баҳона, сунъий юзага келтирилган сиёсий вазият баҳона қилиниб, ялпи қатағонлар амалга оширилди. Юзлаб, минглаб бандаларгина эмас бутун-бутун халқлар — миллионлар бошида бу қатағон қиличлари ўйнади.

Опа эслайди: «Ота-боболаримиз кўп замонлардан буён Приморье ўлкасида истиқомат қилиб келишарди. Тарихий зарурият боболаримизни бу маконларга қачонлардир олиб келиб, ўтроқ қилганди. Иккинчи жаҳон уруши арафасида, аниқроғи 1937 йилда ота-оналаримизни бир кечада устидаги бир сидра кийим-бош, бир қоп егулик билан туғилган маконидан бадарға қилишади. Гўёки, шакли-шамойили, миллати уйқашлигидан ораларида япон айғоқчилари кўпайиб кетган деган баҳонада... Кўчиш даҳшатли бўлган. Онам тўққиз фарзанд кўрганлар. Шулардан беш нафари ана шу машаққатли кўчиш жараёнида бевақт ҳаётдан кўз юмган. Бу барча оилалар бошига тушган офат. Депортация қилинган халқларнинг ярмидан кўпроғи узоқ йўл азобларига бардош беролмай, йўлдаёқ ҳалок бўлишган.

Бизнинг оиламизни Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот мавзесига келтиришади. Яшашга макон йўқ. Тўқайзорда ертўла қазиб, топса бир бурда нон, топмаса ярим оч кун кечиришади. Мен ноябрь ойида туғилганман. Ўшанда омонат чайламизнинг усти очиқ бўлиб, қор ёғиб турган экан. Мени — бир парча гўшт чақалоқни онамнинг меҳри, иссиқ меҳри ўлимдан асраб қолган...»

Аллоҳ ўшанда муштдек гўдак қалбига оналикнинг буюк меҳрини абадий муҳрлаган бўлса не ажаб!

Тақдир тақозоси Вера опани қадим Хива билан бир умрлик боғлади. 1961 йилда Нукус давлат институтини тугатгач, йўлланма билан ишга юборилди. Ўрта мактабда ёшларга сабоқ берди. Тиришқоқлиги, вазифасига сидқидилдан ёндашиши, тўғрисўз ва ҳалоллигидан тилга тушди. 1985 йилда «Меҳрибонлик уйи»га директорликка ўтказилади.

✧ ✧ ✧

Вера опа бахтиёр аёл. Шу маънодаки, байрамлар арафасида унинг бағри тўлиб кетади. Узоқ-узоқлардан қўнғироқ қилиб табриклашлар, хат орқали йўқлашлар... Гул кўтариб келганлар қанча. Қора тортиб келадиганларнинг барчаси унга «ана» («она») деб мурожаат қиладилар.

Опага Юртбошимиз Фармони билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганидан сўнг келган қутловлар ҳисобини олиш қийин. Турли жойлардан дил сўзлари оқиб келди. Ана шундай кунларда опа ўз умр мазмуни нимадан иборат эканлигини яна бир карра идрок этди.

✧ ✧ ✧

Одатда Хивадаги «Меҳрибонлик уйи» ҳақида гап кетганда «намунали даргоҳ» деган сифатлаш кўп ишлатилади. Бунда албатта мезон: даргоҳда хизмат қилаётган 56 нафар ходим — опадан тортиб тарбиячи, мураббий, ҳамшира... борингки, қоровулгача бўлган инсонларнинг ўз касбларига ўзгача ёндашишлари, улар учун ўз оиласи билан ишхонаси ўртасида айирмачилик йўқлиги, барчанинг мақсади бу ерда тарбияланаётган 140 нафар ўғил-қизнинг кемтик-камчилиги бўлмаслигига эришиш, уларни юксак салоҳиятли, ватанпарвар, адлу инсофли, меҳнатсевар кишилар қилиб етиштиришдан иборат.

«Бизга келтирилган боқувчисиз болалар кўпинча руҳан тушкунликка тушган бўладилар. Ахир уларнинг баъзиларини уруш-жанжалли оилалардан, ўгайларнинг миннатли қарашларидан холи қилиш учун олиб келишган. Баъзиларини эса бозор-ўчарда тирикчилик ғамида юрганида... келтиришган. Одамни кийинтириш осон, едириш-ичириш муаммо эмас. Бунга имкон етарли. Давлат ҳисобидаги ташкилотмиз. Қолаверса, бир-биридан сахий, савобталаб ҳомийларимиз бор.

Хат-саводли қилиш ҳам мушкул эмас. Лекин одоблиикромли, меҳр-оқибатли қилиш учун фақат маблағ кифоя қилмайди. Инсоннинг ички дунёсини ўзгартириш қийин.

маликаси

МЕҲР-ОҚИБАТИ ҲАҚИДА ҚУВОНЧЛИ ВА АРМОНЛИ ХОТИРАЛАР

Илёс акам Муслим амакимнинг, Адҳам акам Ҳамдам амакимнинг ўғиллари, мен Исроил Дегрезнинг қизиман. Битта ҳовлида, битта қозондан овқат еб, бирга ўсганмиз. Оиламиз жуда катта эди. Аммо ҳаммамиз бир-биримиз билан аҳил ва иноқ яшардик.

Шундан кейин опа Илёс акага дил истакларини изҳор этиб, қизғин қутладилар.

Опа болалик ва ўсмирлик пайтлари қайтиб келгандай яшнаб, кўзлари ёниб турардди.

Ушанда кечаги кунини унутмаган, болалигини эслаб завқлана биладиган одамнинг ҳамиша беғубор бўлишига ишонч ҳосил қилган эдим.

Ана шундай хаёллар ва хотиралар оғушида «Саодат» журнали таҳририятига келдим. Опа келмаган эканлар. Котиба бироз кутишимни айтди.

Зулфия опа Наманганга келиб турардилар. Бунинг бир сабаби Чортоқ туманида бир хўжаликнинг ҳамда Наманган шаҳридаги 43-ўрта мактабнинг Ҳамид Олимжон номи билан аталиши бўлса, яна бир сабаби наманганлик адабиётшунос ва шоир Нуриддин Бобохўжаевнинг устоз Озод Шарафиддинов раҳбарлигида Зулфия опа ижодини тадқиқ қилиб, диссертация ёқлаганларида эди.

Лекин опани бу оилага яқинлаштирган бошқа омил, у кишининг умр йўлдоши Санобар Ҳасанованинг ҳам шоиралиги эди. Хўжалик ё мактабда ўтадиган тадбирларга опани таклиф этишса, имкон топсалар, албатта келардилар.

Кутган одамга вақт секин ўтади. Опадан дарак бўлавермагач, сабрим чидамай Ойдин Ҳожиева ёнига кирдим:

— Нега йўқладилар экан, билмайсизми?

— Яқинда телевидениеда бир поэмангиз асосида кўрсатув беришган экан. Опага маъқул бўлибди. Шунинг учун ўзингиз билан кўришиб, журналимизга қатнашиб туришга таклиф қилмоқчилар. Ўзларидан фикрларини эшитсангиз яхши бўларди.

Гап «Замин садоси» номли поэма устида борарди...

Ўша куни опа билан кўришиш насиб этмади. Орадан ойлар ўтиб ёз пайтларида бир неча кун Дўрмондаги боғда бўлдим. «Эҳтиром» номли шеърлар ва достонлар китобим эндигина нашрдан чиққан эди. Дам олиш куни бир нусха китобга дастхат ёзиб, Зулфия опанинг боғларига йўл олдим. Опа чорбоғларидан сайрга чиқаётган эканлар. Пешвоз юраётганимни кўриб:

— Менга китоб олиб келаётибсиз, — деб қолдилар саломимга алик олиб.

Китобимни бериб йўлкада у кишига эргашдим ва йўқлаганлари, эътиборлари учун миннатдорчилик билдирдим.

— Яхши асар бўлган экан, — дедилар опа. — Бошлангандан кейин кўриб қолибман. Охиригача эшитдим. Ким ёзди экан (опа элимизнинг ардоқли шоирлари номини тилга олдилар) деб муаллифини табриклаб қўймоқчи бўлувдим. Суриштирсам, сизнинг асарингиз экан. Шунақа асарлардан журналимизга бериб туринг. Ойдинга тайинлаган эдим.

Зулфия опанинг эътиборлари ва ёзганимга берган баҳолари мен учун катта мукофот эди.

Зулфия опа умрларининг сўнгги йилларида баҳор, ёз ойларини асосан Дўрмондаги чорбоғларида ўтказардилар. Боққа борган кезларимда опани зиёрат қилишга кирардим.

Мен чорбоғдаги сариштталик, чамандай очилиб ётган турфа гулларга боқиб, бу боғ опага Ҳамид Олимжондан мерослигини ҳис этардим. Ана шу боғда опанинг меҳри ва меҳнатлари билан вужудга келган бу гулзор гўё Зулфияхоним умрининг мазмунидай туюларди.

Ҳа, истиқлол ва унинг ижодкори бўлган Президентимиз бу умр мазмунини янада бойитдилар.

Ҳар йили баҳор ойининг биринчи куни шеъриятни қадрловчи, шоирни ардоқловчи халқимиз ўз суюкли шоираси таваллудини байрам қилади. Шу куни Зулфияхоним умрини сарфлаган гулзорда яна 14 та ғунча пайдо бўлади. Бу Зулфияхоним қизлари. Унинг номи билан аталувчи Давлат мукофоти совриндорлари. Бу ғунчалар йиллар ўтиб халқимизнинг заковат салоҳиятини бойитади.

Зулфияхонимга мангулик бахш этади.

Ҳабиб САЪДУЛЛА,
Ўзбекистон халқ шоири

Азиз ва нўъмтабар онажонлар, опа-сингиллар, шарқимизнинг гўзал ва мунис аёллари!

«Sharq ayoli» халқаро аёллар жамғармаси Сизларни

8 МАРТ —

Халқаро хотин-қизлар байрами билан самимий муборакбод этади.

Қаерда ва ким бўлиб меҳнат қилманг, ишчанлик, изланувчанлик ва қатъиятлилик ҳамиша йўлдошингиз бўлсин. Аллоҳ юртимизга тинчлик ва осойишталик, халқимизга фаровонлик ва бахту саодат ато этсин.

«Sharq ayoli» халқаро аёллар жамғармаси жамоаси

● ДИЛДАГИ СЎЗ

Аёл номи — шараф, аёл — унвондир

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ўз ҳадиси шарифларида «Жаннат — оналар оёқлари остидадир», деб марҳамат қиладилар. Бу тариф ҳаёт деб аталган буюк ибтидо саҳнида аёлдан кўра улуғ ва муқаддас зот йўқлигининг яна бир таъкидидир, десак хато қилмаймиз.

Аёл азалдан эъзозланиб келинган. Аёлини улуғлаб, аёлини севган юртни Аллоҳ ўзи қўллайверади, деган қараш бор бизда. Аёл — миллатнинг шони, оқила аёл — давлатнинг устунидир. Гўзал ва оқила аёллари кўп давлатни шуҳратнинг ўзи излаб келади, у шубҳасиз буюк бўлади.

Ҳеч бир хонадон ва маҳалла аёлларсиз чароғон ва обод бўлмайди. Уйларимизга, қадрдон маҳаллаларимизга ойдай чирой бериб, қуёшдай яшнатиб турадиган мунис аёлларимиздир. Шу ўринда Юртбошимизнинг қуйидаги сўзлари ёдга тушади: «Онани эъзозлаш — бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилат. Чунки аёлларни қанчалик улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз».

Дарвоқе, мунис онажонларимиз, опа-сингилларимиз ўзларининг фидокорликлари, садоқатлари билан ана шундай таҳсин ва эътиборга лойиқдирлар. Мустақил Ўзбекистонимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли аёлларимиз учун ҳам янгидан-янги имкониятларни очмоқда. Энг муҳими, уларнинг меҳнати қадр топмоқда. Демак, замондош аёлларимиз бугунги кунда зиммаларига янада кўпроқ масъулият юкланганлигини ҳам жуда яхши ҳис қилмоқдалар. Энди ўзбек аёллари қалбида янги асрнинг ибтидоси бошланди. Биз дунёнинг синчков нигоҳларини елкамиз оша ҳис қилиб, илм ва ижодда куртак бўлиб бўртамиз, ишонч ва муҳаббат бўлиб гуллаймиз. Ватаннинг фидойи оналари бўлиб, миллат келажаги, бахту саодати учун мева берамиз.

Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,
Тошкент давлат юридик институтининг катта ўқитувчиси

чашмаси

ХИВАДАГИ 20-«МЕҲРИБОНЛИК УЙИ» ДИРЕКТОРИ, «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» ВЕРА БОРИСОВНА ПАК ҲАЁТИ, ТАШВИШ ВА ҚУВОНЧЛАРИ ҲАҚИДА

Опа даргоҳда кўпдан ишлаётган, бу ердаги ҳар бир ўғил-қизнинг ҳақиқий устози, ғамхўр, туққан ота-онасига айланиб қолган ана шундай меҳрибон кишилар ҳақида тўлиб-тошиб гапирди. Булар: Гавҳар Ниёзматова, Ойбиби Исмоилова, Лидия Иванова, Нина Югай, Оксана Рўзматова, Вадим Пак, Лариса Вангай, Шоира Собирова, Ирина Ваҳитова... Рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

«Бир етимнинг бошини силаш етти карра ҳаж зиёрати қилмоқ билан тенг»лаштирилган. Бу бежиз эмас. Халқимизнинг болажонлигига ишора.

Кўнгли ярим ҳолида келтирилган болаларнинг кўнглини топиш, кам-кўстсиз бошқа тенгқурлари қаторига олиб чиқиш осон эмас. Бу ҳар бир тарбиячидан, баландпарвоз бўлса-да айтай, ўзини фидо қилишни талаб этади. Ходимларни ишга қабул қилаётганда ана шунга алоҳида эътибор берамиз. Ахир оиласи нотинч ёки ўз фарзандларига бефарқ тарбиячининг ўзгалар фарзандига эътибори қандай бўлиши мумкин?..» — дейди Вера Борисовна.

✧ ✧ ✧

Вера Борисовна тақдир тақозоси билан хивалик бўлиб қолди. У бир воқеани ғурур билан эслайди:

«Авесто» байрамида Президентимиз тантанага кириб келар эканлар, кутиб олаётганлар билан илиқ сўрашдилар. Менинг рўпарамга келганларида «Табриклайман!» деб қолдилар. Вилоят ҳокими: «Бу аёл Вера Борисовна! «Ўзбекистон Қаҳрамони» бўладилар» деб изоҳ бераётгандилар, Ислом Каримов: «Опани яхши танийман! Шунинг учун табриклаяпман!» деб қолдилар. Юртбошимизнинг бу сўзларидан кўзларимга ёш келди...»

✧ ✧ ✧

Опанинг оиласи шаҳарда намунали оилалардан. Турмуш ўртоғи Владимир Пакнинг ҳам касби ўқитувчи. Узоқ йил ёшларга сабоқ бериб, қарилик нафақасига чиққан. Ўғли Вадим опанинг ёнларида, «Меҳрибонлик уйи»да тарбиячи бўлиб ишлайди. Онасидаги энг яхши фазилатлар унга-да юққан. Қизи Инесса — муҳандис. Яна бир қизи Валерия эса доришунос. Бир нафар невараси бор.

Бу опанинг кичик оиласи. Аслида катта оила — юзлаб фарзандлардан, минглаб неваралардан иборат.

...Ушбу сатрларни қоралар-канман, кўз ўнгимдан куни кеча кўрганларим: қадим Хиванинг салобатли миноралари, мўъжизакор обидалари ва дунёга машҳур осори-атиқаларга шундоқ ёндош гўша — «Меҳрибонлик уйи», гўзал ва сокин маскан, масканнинг раҳбари елкасига шарқона бахмал тўнни ташлаб олган, даргоҳ ҳақида алоҳида бир завқ, алоҳида бир ғурур билан ҳикоя қилаётган Вера опа сира кетмайди.

Бу икки абадият ўртасида ўхшашлик бордек...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

НАВОИЙ ВИЛОЯТ «БАЛИҚЧИЛИК»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ

2003 йил 24 мартда бўладиган умумий йиғилиши кун тартибига киритилган қўшимча масалалар:

1. *Кузатув Кенгаши раиси ва давлат ваколатли бошқарувчисининг 2002 йил давомида амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботи.*

2. *Очиқ акциядорлик жамиятининг 2003 йилги бизнес-режасини тасдиқлаш.*

3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан очиқ акциядорлик жамиятининг уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.*

Жамиятнинг соф фойдаси ҳисобидан сотиб олинган асосий воситалар ёки дивидендлар ҳисобидан «Балиқчилик» акциядорлик жамияти Устав фондини 50000 АҚШ доллари миқдоригача (акциянинг номинал миқдорини ошириш, қўшимча акцияларни эълон қилинган акциялар доирасида жойлаштириш усуллари) ошириш.

4. *Очиқ акциядорлик жамияти Кузатув Кенгашининг янги таркибини сайлаш.*

5. *Очиқ акциядорлик жамияти Тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш.*

6. *Очиқ акциядорлик жамияти Бошқарув раисини сайлаш ва 2003 йилга тузилган меҳнат шартномасини тасдиқлаш.*

7. *Турли масалалар.*

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ — КЎМАК ЖАМҒАРМАСИ

Ўзбекистон Очиқ Жамият Институти — Кўмак Жамғармасининг Ҳуқуқ дастури ҳуқуқшунослик фанлари бўйича дарсликлар, лекциялар, курслар, ўқув қўлланмалари ва монографияларни ёки уларнинг ўзбек ёхуд қорақалпоқ тилига таржимасини эълон қилиш / нашр этишни қўллаб-қувватлаш бўйича танлов эълон қилади.

Муаллифлар қуйидаги мезонларга мос келишлари лозим:

1) олий ҳуқуқий маълумотга эга бўлиши;

2) Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиши.

Асарга қўйиладиган талаблар:

1) Асар қуйидаги мақсадларга жавоб бериши лозим:

а) ҳуқуқшунослик фани ва ҳуқуқшунослик фанларининг халқаро ҳамда хорижий тенденциялар ҳисобга олинган ҳолдаги ривожланиши стратегик йўналишларини белгилаб бериши;

б) мамлакатда қўлланилаётган ҳуқуқий амалиётни танқидий ўрганиши.

2) Асар хусусий-ҳуқуқшунослик фанларига, яъни фуқаролиқ ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, мерос ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, тижорат ҳуқуқи, корпоратив ҳуқуқ ва ҳоказога алоқадор бўлиши керак;

3) Асар шахс ҳуқуқларини ҳимоя этиши, ўзи бағишланган тармоқ меъёрлари мавқеидан туриб ёзилган бўлиши керак.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши зарур:

- *хат-мурожаат;*
- *муаллиф резюмеси;*
- *тавсия хатлари;*
- *асар концепцияси, аннотацияси ва мазмуни;*
- *чоп этишга тавсия этиш ҳақидаги илмий кенгашнинг қарори (маъқул бўларди).*

Ишлари лойиҳанинг талаблари ва мақсадларига мос келган номзодлар билан китобни ёзиш учун 4 ойдан ошиқ бўлмаган муддатга шартнома тузилади. Муваффақиятли ишлар нашр этишга берилади ва ҳуқуқшунослик факультетлари ҳамда бошқа давлатлар муассасалари ўртасида тақсимланади.

Топширилаётган қўлёзма илгари эълон қилинмаган ва босиш учун нашриётга берилмаган бўлиши лозим.

Кўриб чиқиш учун олинган ҳужжатлар муаллифга қайтарилмайди ва рецензия этилмайди.

Муваффақиятли лойиҳаларнинг муаллифларигина хабардор этиладилар.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Очиқ Жамияти Институти — Кўмак Жамғармасига 2003 йилнинг 18 апрелидан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

Янада батафсил маълумотларни Ўзбекистон Очиқ Жамият Институти — Кўмак жамғармасидан олиш мумкин.

Манзилгоҳ: 700031. Тошкент, Зарбоғ кўчаси 31-уй *(**мўлжал:** «Россия» меҳмонхонаси).*
Тел.: (8-371) 120-54-08, 120-54-09, 102-54-10, 120-54-11. **Факс:** (8-371) 120-68-54.
Email: umida@osi.uz. bobomurod@osi.uz.

«Ҳуқуқ ва Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш» дастурлари мувофиқлаштирувчиси — Умида Ҳусанхўжаева.

«Ҳуқуқ ва Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш» дастурлари мувофиқлаштирувчисининг ассистенти — Бобомурод Мўминов.

ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ — КЎМАК ЖАМҒАРМАСИ

Ўзбекистон Очиқ Жамият Институти — Кўмак Жамғармасининг «Ҳуқуқ ва Жамоатчилик соғлиғини сақлаш» дастурлари доирасида аҳолининг ночор гуруҳлари ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва уларнинг манфаатларини ифодалаш соҳасида фуқаролар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича танлов эълон қилади.

Танловнинг асосий мақсади республикада фуқаролик жамиятини демократлаштириш ва ривожлантириш жараёнига кўмаклашишдир. Танлов икки босқичдан иборат. Биринчи босқичда қизиқиш билдирган шахслар ташкилот фаолияти ва мўлжалланаётган лойиҳа, мазкур лойиҳани амалга ошириш борасидаги ташкилотнинг мавжуд имкониятлари қисқача баёнини (3 бетдан ошмаслиги керак), шунингдек, унинг бажарувчиларига резюмени тақдим этишлари лозим. Биринчи босқич ғолиблари адвокация, ижтимоий шериклик, инсон ҳуқуқлари мониторингини ўтказиш ва лойиҳаларни ёзиш, бошқариш бўйича тренинглардан ўтадилар. Тренинглар курсини ўтгандан сўнг қатнашчилар ўз лойиҳаларининг охирги вариантларини кўриб чиқиш учун тақдим этишлари керак. Улар орасидан танлов ғолиблари эълон қилинади.

Танловда адлия идораларидан рўйхатга ўтган ноҳукумат, нотижорат ташкилотлари, якка шахслар ва давлат ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Лойиҳа қиймати 25 минг АҚШ долларидан ошмаслиги керак. Қизиқиш билдирилган хатни беришнинг охирги муддати — 2003 йилнинг 10 апрели.

Мазкур лойиҳа доирасида ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва манфаатларини ифодалаш кўзда тутилаётган асосий гуруҳлар:

- вояга етмаганлар (болалар уйларининг тарбияланувчилари, кўча болалари, боқувсизлар);
- руҳий ногиронлар;
- онкологик касалликларга чалинган одамлар;
- аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари (ногиронлар, пенсионерлар);
- ҳарбий хизматга чақирилувчилар ва ҳарбий хизматчилар;
- қишлоқ меҳнат мигрантлари;
- ёлғиз оналар ва бошқалар.

Олинган ҳужжатлар қайтарилмайди ва рецензия қилинмайди. Муваффақиятли лойиҳаларнинг муаллифлари хабардор этилади.

Янада тўлиқроқ маълумотларни Ўзбекистон Очиқ Жамият Институти — Кўмак Жамғармасидан олиш мумкин.

Манзилгоҳ: 700031, Тошкент шаҳри, Зарбоғ кўчаси, 31-уй. (**Мўлжал:** *«Россия» меҳмонхонаси*).
Телефон: (8-371) 120-54-08, 120-54-09, 120-54-10, 120-54-11. **Факс:** (8-371) 120-68-54.
Email: umida@osi.uz. bobomurod@osi.uz.

«Ҳуқуқ ва Маҳаллий Ўз-ўзини бошқариш» дастурлари мувофиқлаштирувчиси — Умида Ҳусанхўжаева.

«Ҳуқуқ ва Маҳаллий Ўз-ўзини бошқариш» дастурлари мувофиқлаштирувчисининг ассистенти — Бобомурод Мўминов.

БОЙЧЕЧАККА АЙЛАНГИН, ЭЙ ДИЛ

ШЕЪР ВА ШУУР

Ойдин ҲОЖИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири

Хосият РУСТАМОВА

БАҲОР ИЛИНЖИДА

Қиш қаҳрида қорайган шаҳар
Дов-дарахтлар турар яланғоч.
Хўмраяди совуқ бинолар
Чарх урмаган ҳали қалдирғоч.

Бинафшанинг майин патларин
Ўпгим келар муштоқ кўз билан.
Ялпизларнинг яшил хатларин
Ўқисам ишқ берган сўз билан.

Шамолларнинг ноғорасига
Ўйнамаган лолақизғалдоқ.
Дала-даштда тош орасига
Сочилмаган бойчечак — бодроқ.

Чўпон-чўлиқ ўтловларига
Мўраламас Ой — хаёлпараст.
Тоғнинг сирли ўмровларида
Ухлаб ётар чашмалар ҳам маст.

Термуламан қорга бош қўйиб
Қишга банди ётган боғларга.
Хаёл деган озод, ҳур кийик
Ўйнаб юрар қорли тоғларда.

ТАШРИФ

Учқур тулпорига уради қамчи,
Гулдираб ўтади момақалдироқ.
Қур-қур турнажонлар солар арғамчи,
Юракка ёндошиб келар ҳур чақмоқ...

Майсаларнинг игна тиллари бахши
Ёмғирга жўр бўлиб ўлан айтадур.
Оҳ, ҳаёт — мўъжиза, тириклик — яхши,
Дилнинг туб-тубига қуйилади нур.

Ернинг шодликлари — қўзиқоринлар
Ҳамал елларига тутади кўкрак.
Минг турфа ранглардан зангор қуюнлар
Келинчак заминга тақар чамбарак.

Аттор қутисида йўқ бўёқларни
Малик чўлларгача чаплаган моҳир.
Ҳатто Қизилқумдай қоқ тупроқларни
Яшнатгай сочилиб майса — жавоҳир.

Бешик бошидаги онадай дилбар,
Суюмли шу тупроқ, баҳорий Ватан!
Сеҳргар кўкламга ошиқ кўнгил бер,
Эй жон, бойчечакка айлана қол сан!

КЎЗИНГГА АЙЛАНАР ЯМ-ЯШИЛ ОЛАМ

Дўрмонда...
о, сукут сақлайди боғлар,
Шеъримга сиғдирсам ҳолатларини.
Тўртта тарафидан сервиқор тоғлар —
Кўз-кўзлаб яшайди қоматларини.

Бу дунё — дўзах деб сенга ким айтди?!
Ким айтди — жаннатга ўзни асрашни.
Билмадим, кўзингга кимлар ўргатди?!
Йиғлатиб яшашни, йиғлаб яшашни?!

Мен ҳали унча кўп яшаганим йўқ,
Бари кўрганларим туюлмоқда кам,
Азизим, негадир сендан кўнглим тўқ —
Сен озор чекишинг истамайман ҳам.

Кўзингга айланар ям-яшил олам,
Айлангим келмоқда шоир сўзига.
Уялмай, тик боққим келар менинг ҳам,
Лермонтов кўзига, Пушкин кўзига.

Негадир шу тунда жоним ўртанди,
Беимкон руҳимнинг келдими рашки.
Билмадим, кўзларинг қачон ўрганди?!
Йиғлатиб яшашни... йиғлаб яшашни...

✧✧✧

Ўзимдан енгил-енгил,
Юрагимни кўтариб —
Ўз-ўзимни қучдим мен.

Ўзимдан оғир-оғир,
Юрагимни кўтариб —
Ерга учиб тушдим мен.

✧✧✧

Ўзни енгмоқ қийин экан,
Толиб кетдим,
Толиб кетдим.
Ўзни енгмоқ тўфонида
Қолиб кетдим,
Қолиб кетдим.
Нечун ахир мен ўзимга
Боролмайман,
Боролмайман.
Э, воҳ, бугун кўзларимга
Қаролмайман,
Қаролмайман.

«Йўл бўлсин» олмон тўлқинларида

Санъат чегара билмайди. Шунинг учун қўшиқчилик санъатида хонанда ўз қалбидаги яширин нозик ҳис-туйғуларни тингловчи қалбига етказишга интилади.

Ўзбек қўшиқлари чуқур мазмуни ва миллий оҳанглари билан нафақат Ўзбекистонда, балки узоқ хорижий мамлакатларда ҳам минглаб кишиларни ўзига жалб этади.

Бир неча йил муқаддам дунё халқлари қўшиқлари жанрларини ўрганувчи британиялик тадқиқотчининг мулоҳазаларини ўқиган эдим. Унда «ўзбек мумтоз қўшиқларининг мазмуни, мураккаб композиция, оҳангдошлиги билан бошқа халқлар мусиқа асарларини бир қаторга қўйиш мураккаб» эканини эътироф этган эди.

Айниқса, мусиқанинг барча услуб ва йўналишлари бўйича эшиттиришлар тайёрловчи Германия каби мамлакат радио тўлқинларида қўшиқ таралишининг ўзга талаблари бор.

Яқинда Германиянинг «Мульти-Культи» FM 106,8 якшанбадаги тонгги «Жаҳон мусиқаси» эшиттиришида Севара Назархон ижросида «Йўл бўлсин» қўшиғи янгради.

Европа марказида она тилида янграган қўшиқни эшитиш ҳиссини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Шу ерда олмон радиодастури суҳандонининг сўзларини келтиришни ўринли деб топдим.

— Радио тўлқинимизда янграган хонанда Севара Назархон ижросидаги «Йўл бўлсин» қўшиғи анъаналарга бой бўлган ўзбек вокал қўшиқчилик санъатининг ноёб асаридир. Ўз маҳоратини намоён этган хонанда нафақат Ўзбекистонда, балки, узоқ хориж мамлакатларида ҳам машҳурдир.

«Мульти-Культи» радиоси ҳақида гапирадиган бўлсак, у 1994 йилнинг 18 сентябрда ташкил топган ва 19 тилда эшиттириш олиб боради.

Аслам АКБАРОВ,
«Жаҳон» АА,
Берлин.

Ҳикматли сўзлар маъноси

Онангни кифтингда тутсанг, синглингни бошингда тут

«Ҳокимникидан ҳам синглимники зўр» деган мақол ҳам бор. Бу мақоллар билан халқ сингилни ниҳоятда ҳурмат қилиш зарурлигини уқтиради, «онангдан ҳам юқори тут» деб муболаға қилади, ҳатто «ҳокимнинг буйруғидан ҳам сингилнинг сўзи зўр, унинг сўзини, илтимосини ерда қолдирма», деб насиҳат қилади.

Онангни отангга бепардоз кўрсатма

Бу мақол косиб ва ҳунармандлар орасидан чиққан бўлиб, мажозан: «Тиккан, ясаган, тайёрлаган буюмингнинг сифатли, чидамли, пишиқ-пухта бўлишидан ташқари пардозига, яъни ташқи кўринишини яхшилашга, безагига ҳам зўр бер, молингни харидорга бепардоз кўрсатма, шундагина ютасан, ютқизмайсан», деган маънода насиҳат қиладилар.

Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада

Вар.. «Боласи кўча кезар, онаси бағрин эзар»; «Даладагилар ёғ ичар, уйдагилар қон ичар».

Одатда ўғил-қизини тўй-зиёфатга, бирор томоша жойга ё сафарга юборган ота-она улар ҳадеганда келавермаса, ҳаяллаб қолса, вақт бемаҳал бўлганда ҳам қайтавермаса, хавотирланишга тушади, «Нима бўлдийкин, нима қўйдийкин, бирор безорининг, йўлтўсарнинг қўлига тушиб қолдимикин?..» деган минг хил хаёлга бориб, ич-этини еб, қон ютиб ўтиради. Уйдан чиқиб кетган болаларнинг эса парвойи фалак: бепарво, беғам бўлиб, «уйдагилар хавотир олаётгандир» деган гапни хаёлига ҳам келтирмай, маишатини, томошасини қилиб юраверади. Юқоридаги мақолларни шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда айтадилар.

(Халима: ... Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада, дегандек, укангни кўнгли пахтада бўлади, айланай Раҳбархон! О.Ёқубов. «Чин муҳаббат»).

Шаҳрисабз «Вино-арақ» ҳиссадорлик жамияти

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жамиятнинг 2002 йил иш якунлари бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2003 йил 2 апрель куни соат 10.00 да мажлислар залида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Бошқарув раисининг 2002 йил иш якунлари ҳисоботи ва 2003 йил бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи.
2. Жамиятнинг 2002 йил молиявий якуни бўйича ҳисоботини ва дивидендлар ҳисобланиши тартибларини тасдиқлаш масаласи.
3. Жамиятнинг 2002 йил якунлари бўйича Кузатув Кенгашининг ҳисоботи.
4. Кузатув Кенгашининг таркибига ўзгартириш киритиш.
5. 2002 йил молиявий ҳисоботини текшириш якунлари бўйича жамият тафтиш комиссияси ва аудитор хулосасини тасдиқлаш.
6. Бошқарув раиси билан Кузатув Кенгаши ўртасида ишга ёллаш шартномасини бир йил муддатга тузишни тасдиқлаш.
7. Жамият аудиторини тасдиқлаш.
8. Акциядорлик жамиятининг таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи.

Шаҳрисабз «Вино-арақ» ҳиссадорлик жамиятининг 2002 йил якунлари бўйича йиллик баланси ва молиявий натижалари тўғрисида

МАЪЛУМОТНОМА

АКТИВ

1. Узоқ муддатли активлар — 298520 минг сўм
2. Жорий активлар — 1055850 минг сўм
Жами актив — 1354370 минг сўм

ПАССИВ

1. Ўзлик маблағларининг манбалари — 195075 минг сўм
2. Мажбуриятлар — 1159295 минг сўм
Жами пассив — 1354370 минг сўм
1. Маҳсулот сотишдан тушган тушум — 5854790 минг сўм
2. Сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи — 1781691 минг сўм
3. Баланс фойда — 34275 минг сўм
4. Соф фойда — 4164 минг сўм

Манзилимиз: Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 170-уй.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 111-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан бирортасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта серияси 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 Тур
2
56
35
38
43
78
11
45
Сони: 1
Мусика маркази
Чипта рақами
80087704.2

2 Тур
59
68
49
53
40
46
74
15
83
14
79
41
34
28
39
48
64
Сони: 3
Гилам 4Х5
Чипталар рақами
10075436.3
40097928.3
50017388.1

3 Тур
7
60
72
65
47
19
4
32
84
44
73
18
20
89
10
Сони: 2
Сумма: 2640000
Чипталар рақами
30087195.3
70106321.3

4 Тур
63
62
27
51
42
82
81
66
33
17
77
80
3
1
85
24
37
13
57
70
30
Сони: 2
Сумма: 2640000
Чипталар рақами
50107158.2
90067587.1

5 Тур
75
76
Сони: 3
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
10017923.1
70057391.2
80024536.3

6 Тур
9
Сони: 2
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
40101568.3
60045735.1

7 Тур
8
Сони: 3
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
10089042.1
50041426.2
60102959.1

8 Тур
86
Сони: 3
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
10108672.1
40031577.1
80062622.3

9 Тур
36
Сони: 3
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
20033082.2
30095681.2
90052323.3

10 Тур
61
Сони: 4
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
30022972.2
60054242.1
70034637.2
90069985.2

11 Тур
31
Сони: 4
Сумма: 1500

12 Тур
52
Сони: 7
Сумма: 1000

13 Тур
54
Сони: 8
Сумма: 900

14 Тур
23
Сони: 18
Сумма: 800

15 Тур
55
Сони: 17
Сумма: 700

16 Тур
12
Сони: 26
Сумма: 600

17 Тур
69
Сони: 54
Сумма: 500

18 Тур
26
Сони: 120
Сумма: 400

19 Тур
87
Сони: 151
Сумма: 300

20 Тур
25
Сони: 312
Сумма: 200

21 Тур
5
Сони: 444
Сумма: 200

22 Тур
88
Сони: 679
Сумма: 200

23 Тур
16
Сони: 906
Сумма: 200

24 Тур
29
Сони: 1729
Сумма: 200

25 Тур
6
Сони: 2315
Сумма: 200

26 Тур
67
Сони: 3485
Сумма: 200

Қўшимча тур
Сони: 102
Сумма: 600

Халтадан чиқмаган шарлар:
21, 22, 50, 58, 71, 90

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2003 йил 20-мартдаги 113- тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:

1 тур - NEXIA автомобили
2 тур - NEXIA автомобили
3 тур - NEXIA автомобили
4 тур - NEXIA автомобили
5 тур - NEXIA автомобили



Ва кунлик пул ютуқлари

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй.

Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

«O'ZDON» ОАЖ

Юридик манзили:

Тошкент шаҳри — 700060, Шаҳрисабз кўчаси, 36. Кузатув Кенгаши 10 мартдаги қарорига биноан 2003 йилнинг 10 апрель куни ўтказиладиган умумий мажлисида иштирок этадиган акциядорларнинг реестри ва рўйхати 2003 йил 11 март ҳолатига кўра тузилишини маълум қилади.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти партия Марказий Кенгаши аъзоси, «Хоразм-Феруз» акциядорлик жамияти раиси К.Ш.Жумамуротовага волидаи муҳтарамаси

Танзиля ая ЖУМАМУРОТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси жамоаси қишлоқ хўжалиги бошқармаси бош мутахассиси

Тоҳиржон ТУРАПОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади ва ҳамдардлик билдиради.

● БИЛАСИЗМИ?

Энг яхши оромгоҳ — оила

Хорижий давлатларда, жумладан, Ғарбда аёллар учун барча қулайликларга эга бўлган алоҳида оромгоҳлар мавжуд бўлиб, бу ерларга болалар ва эркакларнинг киришига умуман рухсат йўқ. Гўзал табиат қўйнида сайр қилиш, кўлда чўмилиб, қуёшда тобланиш, меҳмонхона, тунги ўйингоҳлар, қўйингки барчаси фақат аёллар учун.

Аммо ҳамма ҳам бу каби оромгоҳларни хушлайвермайди. Негаки, шундоқ роҳатижон масканда ҳам нимадандир нолиб юрадиганлар учраб туради. Бири эрига ишониб бўлмаслигидан куяди, яна бири рўзғор ишларидан безор бўлганини айтиб, атрофдагилардан хайрихоҳлик тилайди.

Кўплаб ривожланган мамлакатларда ишдан қайтгач, уй ишларини бажариш аёллар учун энг катта муаммо. Кўпгина оилавий можароларга ҳам айнан шу нарса сабаб бўларкан. Ушбу муаммо дунё миқёсида олиб қараладиган бўлса, 70 фоиз уй бекалари рўзғор ташвишларида қийналишаркан. Шу боис, юқоридаги каби оромгоҳлар доимо гавжум бўлса керак.

Лекин дунё амалиётида урф бўлиб келаётган бундай масканлар бизнинг миллатимизга хос эмас. Чунки ўзбек аёлларини оиладан, оилани эса аёллардан айрича тасаввур этиб бўлмайди. Бизнингча, тинч-тотув, фарзандлари соғлом ва баркамол оила энг яхши оромгоҳдир.

Анвар САМАДОВ

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDYLLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 247

16178 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA